

## Чекиш ҳаром

## التدخين حرام

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

Абу Жаъфар Ал-Бухорий

2009 - 1430

islamhouse.com

# التدخين حرام

« باللغة الأوزبكية »

أبو جعفر البخاري

2009 - 1430

islamhouse.com

# Ислом Нури Маколалар

## Чекиш харомдир!

Аллохга ҳамду санолар, пайгамбаримиз, унинг оиласи, сахобалари ва уларга яхшилик билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Сўнг...

Ислом уммати, хусусан, унинг ёш авлоди маст килувчи ичимликларни ичиш ва сигаретларни чекиш каби оғу ва ёмон одатларга мубтало бўлди. Мусулмон ёшларнинг ахлокини бузишда Бутунжахон Яхудий ҳаракатларининг катта хиссаси бор. Чунки бу ҳаракатлар эътиқодсиз мусулмонларни етиштириш ҳамда мусулмонларнинг иззат ва шарафи колмаслигини мақсад қилиб оммавий ахборот воситалари, сиёсат ва таълим-тарбия ишларига ҳукмрон бўлдилар... «Улар макр қиладилар. Аллох ҳам макр қилади. Холбуки, Аллох макр қилгучилар(нинг макрига яраша жазо берувчилар)нинг яхшироғидир». (Анфол: 30)

Эй, чекувчи дўстим, Исломий биродарлик, бир-биримизга бўлган эътибор, эзгулик ва тақво асосида ҳамкор бўлиш ҳамда сизнинг қабул қилишингиз ва жиддий эътибор беришингиз учун ушбу рисола ни ёзмақдамиз. Шояд Аллох таоло буни сиз учун фойдали қилса. Бундан ташқари, биз ушбу рисолада чекишнинг Ислом ва тиббиёт нуқтаи назаридан зарарларини ҳам баён қилмоқчимиз.

### Чекиш тарихининг бошланиши

Тақрибан мелодий 1492 йилда баъзи Европалик сайёҳлар Америка китъасини кашф этдилар ва у ерда тамаки (сигара) дарахтини кўрдилар. Сигара Ислом оламида хижрий ўнинчи асрда пайдо бўлди. Уни масихийлар олиб келдилар.

Сигарет оғир захарли кўргошин оксиди (РЬОЗ), саратон (рак) касаллигига сабаб бўладиган бензобурин моддаси, никотин, хашаротларни ўлдиришда қўлланиладиган ..... спирт ва захарли бўлган бошқа моддаларни ўзида жам қилган.

### Чекишнинг зарарлари

Чекишнинг инсонга катта зарарлари бўлиб, у турли касалликларни келиб чиқишига сабабдир. Улардан: саратон (рак), сил, оғиз, лаб, тил, кичик тил, хазм ва нафас олиш аъзоларининг яллигланиши ҳамда сийдик йўллари касалликлари. Чекишнинг наслга, бундан ташқари ишлаб чиқаришга таъсири, иктисодий зарарлари бўлиб, ёнгин ва йўл ҳаракати ходисалари, атроф-муҳитни қирланиши ва бундан бошқа уммат учун кўп зарарлари бор. Бу балодан қутулишда Аллох ўзи қувват берсин.

Чекишнинг ҳаром эканига Аллохнинг Китоби ва Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларидан далиллар:

Сигарет Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам яшаган даврда йўқ эди. Шундай бўлсада, бизниг муаззам динимиз, остида кўплаб жузъий нарсалар ётган умумий асосларни олиб келди. Ислом уламолари ушбу умумий асослар билан чекишнинг ҳаром эканига далиллар келтирдилар:

\*Аллох таоло деди: «У пайгамбар....пок нарсаларни улар учун ҳалол ва ифлос нарсаларни уларга ҳаром қилади». (Аъроф: 157) Заррача акли бўлган одам чекишниг ифлос-жирканч нарсалардан бири эканида шубҳа қилмайди. Чунки «ифлос» сўзи таъми ва ҳиди нафратли бўлган нарса учун истеъмол қилинади. Сигарет шундайдир. Холбуки, дин ва тиббиёт олимлари сигаретнинг ифлос нарса эканига иттифок қилганлар.

\*Аллох таоло деди: «Ҳеч ҳам исроф қилманг! Чунки исроф қилувчилар Шайтонларнинг дўстларидир». (Исроъ: 27)

«Исроф қилманглар! Аллох исроф қилувчи кимсаларни ёқтирмайди» (Анъом: 141)

«(Кўл остингиздаги) аклсиз кимсаларга Аллох сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни бериб қўймангиз» (Нисо: 5)

«аклсиз»-бойликларни ўринли тасарруф қила олмаган кимсадир.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам : «Аллох сизлар учун миш-миш, кўп савол бериш ва молни зое қилишни ҳаром қилди»-дедилар. (Муттафақун алайхи).

Шубхасиз, чекиш-молни зое килиш, демақдир. Чунки у Аллох таоло айтганидек: «На семиртиради ва на оч коринни тўйдиради». (Гошия: 7)

\*Аллох таоло деди: «Ўзингизни ўзингиз ўлдирманглар! Аллох сизлар учун раҳмлидир». (Нисо: 29)

Кашанда шаръий далилсиз халокатли нарсаларни истеъмол килади ва ўз жонини хилма-хил касаллақларга мубтало килади. Уламолар захар, тупрок, шиша, тош ва зарарли бўлган барча нарсаларни истеъмол килишни соғлиқни химоя килиш учун харом килдилар.

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «... Захар ичиб ўз жонини катл этган кимса жаханнам оловида захарларни мангу ичади». (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари)

Чекиш — ўз жонини аста-секин катл этиш, демақдир. Табиблар ўлимнинг сабаби чекиш бўлган кимсаларни ўз жонларига суикасд килган деб хисоблайдилар. Аллох сакласин! Бир жонни ўлдириш эса, у бевосита ёки билвосита, секин ёки тез бўлсин, харомдир. Чунки натижа бир хилдир... Кашанданинг ўз жонини катл килиш учун ҳаракат килаётганлигида шак-шубха йўқдир.

Чекиш баъзида ўлимга олиб бормасада, лекин, кашанда ўз қувватини йўкотади. Балки, чекиш инсон вужуди ва қувватини парчалаб ташлайдиган хатарли касаллиқларга олиб боради.

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам маст килувчи ва бўшаштирувчи нарсалардан қайтардилар. (Ҳасан ҳадис. Абу Довуд ва Имом Аҳмад ривояти)

«Бўшаштирувчи» - инсон вужудида кайф ва одатланишни келтириб чиқаради. Кашанда буни (арокхўр каби) хис этмасада, харомлик ўз қучида қолади. Чунки унинг асли ароқка киёсланади. Яъни кўпи маст килган нарсанинг ози ҳам харом бўлади. Ароқнинг бир неча катраси янги бошлаган одамни маст килганидек, чекиш ҳам янги бошлаган, ёки чекишни ташлаб қайтадан бошлаган, ёки рўздорнинг ифтордан сўнгги ҳолатида бўшашишлиқни келтириб чиқаради.

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам : «Ўзига зарар бериш ҳам йўқ бошкага зарар бериш ҳам йўқдир»— дедилар. ( «Сахиҳул- Жомеъ»: 17393)

### **Чекиш, ўзига зарар ва бошкага зарар беришдир.**

Аллох таоло деди: «Булар(арок ва кимор)нинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир». (Бақара: 219)

Чекишнинг фойдалари бор деб фараз қилайлик. Энди ушбу мавҳум фойдалар билан ҳақиқий зарарларни таққослаб кўрайлик. Уларнинг қайси бири кўпроқ?!

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Саримсоқ ва пиёз (ни хом) еган киши биздан ва масжидимиздан узок турсин ва уйда ўтирсин». (Имом Муслим ривояти)

Кашанданинг оғзидан келган хид саримсоқ ва пиёзнинг хидидан кўра сассикроқ, энг озида у иккисининг хиди кабидир. Жума намози учун хушбўйланиш суннат эканини унутмаган бўлсак, сигарет хиди бу суннатга хилофдир.

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Солиҳ ва ёмон суҳбатдош билан ўтиришнинг мисоли мушқ сотувчи ва босқонга дам урувчи кишиларнинг мисолига ўхшайди». (Муттафақун алайх)

Кашанда олов ва тутунни пуфлаётган ёмон суҳбатдошдир.

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Муслмон, - муслмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган кишидир». (Имом Бухорий ривояти)

Эй кашанда, муслмонлар сизнинг чекишингиздан қачон кутиладилар?!

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллоҳга ва охиратга иймон келтирган кимса кўшнисига озор бермасин». (Имом Бухорий ривояти)

Кашанда ўзининг сассик хиди билан хотини, фарзандлари, кўшнилари, фаришталар ва масжиддаги намозхонларга озор беради.

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Умматининг ҳаммаси афв қилингандир бироқ, гуноҳларини ошқор қилувчи улардан эмас». (Муттафақун алайх) Кашанда гуноҳларни ошқор қилганлиги учун кечирилмаслик хавфи бор..

Расуллуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Ким бирон қавмга ўзини ўхшатса у улардандир». (Сахиҳ ҳадис, Абу Довуд ривояти)

Чекиш мустамлақачилиқ асорати, қолдиги ҳамда рухий мағлубият белгисидир. Чекиш-кофирларга ўхшашлик, демақдир. Чунки кофирлар сигаретни муслмонлар яшаётган ўлкаларга олиб келиб, ёшлар ичида чекишни ривожлантирдилар. Бундан

ташкари чекиш билан жаханнам оловида ёнаётган ҳамда огиз ва бурунларидан тутун чикаётган кофирларга ҳам ўхшашлик бордир. Бу балодан Аллох сакласин!

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Тўрт нарса: умрини нима билан ўтказгани, жасадини нималарда ишлатгани, бойликларини каердан топиб, каерга сарф этгани ҳамда илмига қандай амал қилгани хақида сўралмай туриб, банданинг оёқлари ўрнидан кимирламайди». (Сахирут-Термизий [Албоний])

Кашанда киёмат куни қандай жавоб беради? Унинг:

- **Умри** чекиш билан ўтди;
- **Илми**. Учекишнинг харомлигини билди, бироқ, чекишга давом этиб ўзининг зарарига хужжатни барпо қилди;
- **Бойликлари**. У бойликларини фойдасиз ерларга ва ўз жасадини ёндириш учун сарф этди ёки уни сигарет сотиш орқали топди;
- **Жасади**. У жасадини Шайтонлар учун ташлаб қўйди. Шайтонлар унинг жасадида хоҳлаган ишини қилдилар. Чекиш – Шайтонлар қирадиган даричалардан биридир.

Чекиш –Аллохнинг зикри, ибодати хусусан, рўза ибодатидан тўсади.

Рўза-кашанда учун энг оғир бўлган ибодатлардан биридир. Кашанда масжидларда эътикоф қилиш, узок муддат Куръони Каримни тиловат қилиш, илм мажлисларида ўтириш ҳамда намозларга эрта боришни ёқтирмайди. Кашандаларнинг кўплари жамоат намозларида ҳозир бўлмайди. Ҳозир бўлсаларда кўлларидаги сигаретни «тортиб-тортиб» масжиднинг эшиги олдига отадиларда, масжидга кириб келадилар. Суннат эса жамоатга ҳозир бўлишдан олдин хушбўйланишдир.

Шариатнинг асос ва қоидалари ҳам чекишни харом қилади. Баъзи умумий қоидалар борки, унинг остига минглаб ҳукмлар қиради. Шулардан:

- Ўзига ҳам ўзгага ҳам зарар бериш йўқ.
- Фойдали нарсаларнинг асл ҳукми - руҳсат, зарарли нарсаларники эса-таъқиқдир.
- Фасодларни тўсиш - манфаатларни келтиришдан муқаддамдир.
- Халол ва харом аралашса, харом қолибдир.
- Гуноҳларни тўсиш-асосдир. Гуноҳларнинг кичик кўриниши-унда шубҳанинг бўлишидир. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам шубҳалардан сакланишга буюриб шундай дедилар: «Халол ва харом равшандир. Уларнинг ўртасида одамларнинг кўплари билмайдиган шубҳали нарсалар бордир. Шубҳалардан сакланган одам- ўз дини ва номусини саклабди. Шубҳаларга тушган одам, харомга тушибди». (Муттафакун алайх)

Мусулмон дўстим, билинги, халол-барча пок ва фойдали нарсадир. Харом эса барча ифлос ва зарарли нарсадир.

Юқоридаги хабарлардан сўнг, одам мутақаббирлик қилиб биз баён қилган далил ва хужжатларни олмаса, ўз жонига Аллоҳдан кўрксин, Аллоҳга тавба қилиш учун шошилсин. Зеро, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи раҳмли зотдир.

Аллоҳ сизни ҳидоят қилсин, шуни ҳам билинги, сигарет пайдо бўлган илк кунларда унинг хақиқатини кўп одамлар билмас эдилар: у маст қиладими, бўшаштирадими, соғлиқка зарар берадими ёки йўқми! Шунинг учун ҳам, уламоларнинг сигаретнинг харом ёки макруҳ, ёки зарар берган кишилар учун харом, зарар бермаган кишилар учун харом эмас деб ихтилофларга бориши табиий эди. Агар у олимлар сигаретнинг бугунги кунда ўрганилган зарарларини билсалар эди, унинг харом эканида ҳеч шубҳа қилмас эдилар. Чунки улар Исломи динининг қоидалари ва асосларини жуда яхши билган эдилар.

Агар бирор киши сигаретнинг харом эканини эътироф этмаса, ундан сўраймиз: «Агар сигарет харом бўлмаса нега уни масжид ва бошқа муқаддас жойларда чекмайсиз? Балки, уни ҳаммом, хожатхона ва бошқа бемаъни ўйин-кулгилар бўладиган жойда чекасиз. Ёки биз мусулмонлар ўларок Аллоҳнинг пок неъматларини истеъмол қилишдан аввал ва кейин айтганимиздек, сигарет чекишдан аввал: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», чекиб бўлгандан кейин эса: «Алхамду лиллаҳ» демайсиз?! Бундан ташқари, бирорта одам сизга сигарет тақдим қилса, бошқа халол неъматларни тақдим этган пайтидаги қаби нега Аллоҳга шукрлар айтмайсиз?!».

Эй кашанда, Аллоҳдан кўргин! Сен, баъзи одамлар сени сигарет чекишингни кўришларидан уяласан. Сенинг назарингда ким улугроқ ва ҳурматлироқ: уларми ёки

Аллох таоломи?! Аллохдан уялмайсанми?! «Агар мўъмин бўлсангизлар Аллох кўркишингизга лойикроқдир». (Тавба: 13)

Ва охири чекиш тарозининг яхшилиқ палласига кўйиладими ёки ёмонлик палласигами?

Эй кашанда, Аллох ҳисоб китоб килишидан аввал ўзингни ҳисоб қил! Аллохдан чекишни ташлаш учун мадад сўра! Аллох учун бир ишни тарқ қилган одамга, Аллох ёрдам бериб, унинг ўрнига яхшироқ бўлган бошқа бир нарсани эваз қилиб беради. Бас, Аллохдан ёрдам сўра, ҳаддингдан ошма! Чекишни ташлашда сабрли бўл! Чунки Аллох сабрлилар билан биргадир. Сабр қилишни хоҳлаган кишиларга Аллох сабр беради. Сен қуйидаги дуони қўп қил: «Илоҳим, бизларни чекиш балоси, жаҳаннам азоби, озорлар ва вайрон бўлишдан узоқ қил. Соғлигимиз ва жасадимизни бизлар учун сақла. Оғизларимиз ва қалбларимизни пок ҳамда фикр ва тушунчаларимизни тўғри қил. Бизларни гўзал бўлган ҳулқ ва одатларга ҳидоят қил. Бизларга иймонни, ширин бўлган ҳид ва амалларни севишли қил. Сен дуоларни эшитувчи ва қабул қилувчи зотсан».

Аллох барча нарсаларни билгувчидир.

Аллох таоло пайгамбаримиз, унинг оиласи ва саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин

Абу Муҳаммад Ал Бухорий